O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 3 январ чоршанба
Сотувда эркин нархда
№ 2 (2564)



*Самарқанд электр тармоқлари корхонаси жамоаси ҳам Янги асрни ўзгача кўтаринкилик ва ўзгача масъулият билан қарши олди. Ҳозир корхона ихтиёридаги 24 минг километр узунликдаги электр линиясида 220 дан 50 минг вольтгача ток бор. Турли қувватдаги трансформатор ва подстанциялар 8 мингта.*

*Корхонада 4 та гидроэлектростанция фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда қишки мавсумга пухта тайёргарлик кўрилди. Яқин кунларда тоғли Ургут тумани Навоий номли ширкат хўжалигининг Тирсак қишлоғида янги подстанция ишга тушиши мўлжалланмоқда. Бу подстанция ишга тушгандан кейин 20 минг кишилик аҳоли электр қуввати билан таъминланади. Шунингдек, тумандаги ўнлаб сув тортиш станциялари узлуксиз ишлайди. Корхона ходимлари ҳозиргача бу ерда қарийб 30 миллион сўмлик иш бажардилар.*

**СУРАТЛАРДА: электр монтёри Бахтиёр Пирмуҳаммедов; Хишрав ГЭСида иш пайти.**

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**



***XXI асрнинг илк кунлари кўтаринки кайфиятда бошланиб кетди. Мамлакатимиз меҳнат аҳли Президентимизнинг Янги йил табригида ифодаланган илҳомбахш тилакларидан руҳланиб ишламоқдалар.***

***«Халқ сўзи» мухбирлари йўллаган хушхабарлар янги йилнинг қутлуғ қадамлари ҳақида сўзлайди.***

**Қадаминг қутлуғ келсин, 2001 йил**

## Қишда ёз неъмати

Навоий Кон-металлургия комбинатининг коммунал хизмат бошқармаси ўз ишчи-хизматчиларини қиш фаслида ҳам ёз нознеъматлари билан таъминлай олади. Каттагина майдонни эгаллаган иссиқхонада етиштирилган маҳсулотлар арзон ва сифатли. Болалар боғчалари, юзлаб хонадонлар ҳам янги узилган бодринг, помидор, лимон, кўмкўк кўкатлардан баҳраманд бўлишмоқда.

Тажрибали мутахассис Ойбек Тошевнинг айтишича, шу кунларда, айниқса, лимон ҳосили ҳар қачонгидан мўл. Ҳар бир дарахтдан 25-35 килограмдан тансиқ неъмат териб олинмоқда. Аҳоли дастурхонига 20 тонна атрофида шундай маҳсулот тортиқ қилинаётир.

**А. ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Саховат

Жиззах вилояти меҳнаткашларининг Оролбўйи болаларига юборган бу галги совғалари 12 турдаги мева-сабзавотлар бўлди. Экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотлари орасида номи оламга машҳур Боғдод майизию Бахмал олмалари, Ғаллаорол картошкасию Пахтакорнинг полиз маҳсулотлари бор. Янги йил совғаларининг жами қиймати 1 миллион 400 минг сўмга тенгдир.

«Экосан» халқаро жамғармаси вилоят бўлими раҳбари Ҳамроқул Қодировнинг таъкидлашича, йил давомида жамғарма томонидан уюштирилган хайрия ёрдамлари, совғалар 3 миллион сўмликдан ошиб кетди.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Янги йилда муваффақиятлар, омонлик ва тинчлик тилаб билдирган энг эзгу истакларимни йўллайман.

**Милан КУЧАН,**
**Словения Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Янги йил муносабати билан энг эзгу истакларимни лутфан қабул қилгайсиз!

**Александр КВАСНЕВСКИЙ,**
**Польша Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Сизни ва дўст Ўзбекистон халқини кириб келаётган Янги, 2001 йил билан муборакбод этаман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистон фаровонлиги йўлидаги фаолиятингизда бундан буён ҳам муваффақиятлар, дўст ўзбек халқига эса тинчлик, омонлик ва равнақ тилайман.

Эҳтиром ила,

**Имомали РАҲМОНОВ,**
**Тожикистон Республикаси Президенти.**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизни кириб келаётган янги йил — XXI асрнинг биринчи йили билан сидқидилдан муборакбод этаман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, мамлакатингиз халқига эса бахт-саодат, муваффақиятлар ва бундан буён ҳам равнақ тилайман.

**Ҳайдар АЛИЕВ,**
**Озарбойжон Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Шаҳримизга катта эътибор билан муносабатда бўлаётганингиз учун Сизга миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз. Санкт-Петербург билан Ўзбекистон ўртасидаги анъанавий қизғин муносабатлар ҳозирги босқичда янги даражага — илм-фан, маданият, таълим, иқтисод соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик даражасига кўтарилиши лозимлигига ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизни Янги йил, йигирма биринчи аср ва учинчи минг йиллик бошланиши билан муборакбод этаман. Шахсан Сизга ва Сиз орқали бутун Ўзбекистон халқига омонлик, сиҳат-саломатлик, давлат ва жамиятни бундан буён ҳам ривожлантиришда муваффақиятлар тилаб қолишни истардим.

**В. ЯКОВЛЕВ,**
**Санкт-Петербург шаҳри Губернатори.**

• Депутат мулоҳазаси

## Олий бахт шуки...

***Мана, XXI асрга ҳам етиб келдик. Хўш, янги мингйиллик билан ким қандай юзма-юз бўлди? Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига Мурожаати ҳамда Президентимизнинг Олий Мажлиснинг IV сессиясида сўзлаган нутқида мазкур тарихий ҳодисанинг моҳияти янгиланиш, тараққиёт, фаровонлик унга қандай қадам қўйишга боғлиқлиги алоҳида таъкидланган. Хўш, ана шулардан ким қандай хулосалар чиқарди, қандай режаларни кўнгилга тугди? Қандай янгиликка қўл урди? Албатта, саволлар кўп. Жавоблар ҳам. Мухбиримизнинг Муборак нефт ва газ конлари бошқармаси бошлиғи, Олий Мажлис депутати Нуриддин ЗАЙНИЕВ билан суҳбатини ўқисангиз, бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз.***

**— Олий Мажлиснинг IV сессиясини ҳар галгига нисбатан диққат билан кузатиб бордим. Менимча, ҳар бир киши шундай қилган бўлса керак. Чунки муҳокамага қўйилган масалалар муҳимлигидан ташқари сессия XX аср билан XXI аср оралиғида ўтаётганлиги учун ҳам ҳар бир кишида шундай қизиқиш пайдо бўлиши табиий эди. Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига Мурожаати қабул қилинди. Янги мингйилликка қадам қўйишдек тарихий ҳодисанинг моҳияти Президентимиз томонидан очиб берилди. Назаримда, тарихий воқеа юз берди. Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ҳақида янаям кўпроқ ўйлаш вақти келди. Тўғрими? Мумкин бўлса, шу ҳақдаги фикрларингизни баҳам кўрсангиз.**

— Аслида Мурожаатдан кўзланган мақсад ҳам шу. Президентимиз айтганидек, ким эдигу ким бўлиб, янги асрни қаршилаяпмиз? Масалага ана шу нуқтаи назардан ёндошмоқ керак, деб ўйлайман. Аср охиридаги тарихий ютуғимиз нима? Озодлик. Мустақиллик. Бу Тангрининг инояти. Президентимиз жасоратининг маҳсули. Озод жамиятдаги озод шахсмиз. Ҳамма ҳуқуқ ва эркинликларимиз Конституциямизда кафолатланган. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи жиҳати шуки, ана шу эркинликлардан ким қандай фойдаланмоқда? 70 йил давомида муте, тобе бўлганмиз. Ана шунинг асорати ҳали-ҳануз сақланиб қолмоқда. Айтилганни қўл учида бажариш «одати» ана ўша даврдан қолган. Бу ташаббусни ўлдиради. Тадбир билан иш кўришга, ижобий изланишга йўл бермайди. Оқибатда берсанг ейман... қабилидаги боқимандалик кайфияти вужудга келади. Боқимандаликдан ёмон нарса йўқ. Мен сайловчилар билан учрашувларда айрим одамлардаги ана шу кайфиятни сезиб қоламан. «Давлат беради», «Депутат қилиб бериши керак», деб юрганлар ҳам бор. Тўғри, давлат ночорларни, ногиронларни, яъни ижтимоий муҳофазага муҳтожларни ўз ҳимоясига олган. Лекин тўрт мучаси соғ, тоғни урса талқон қиладиган йигитлар учун кун ўтса бўлди-да, деб юриш уят. Мени яна бир нарса кўп ўйлантиради. У ҳам бўлса, айрим қуйи бўғин раҳбарларимизнинг кўрсатмани бажариш билан чекланишидир. Афсуски, улар ўзидан билиб, имконият ахтариб, йўқдан бор қилишга уринмайдилар. Аксинча, у йўқ, бу йўқ, дея нолишдан нарига ўтмайдилар.

Шунинг учун ҳам Косон туманидаги бир мактабнинг қозонхонаси 100 метр труба йўқлиги учун йиллаб ишлатилмаган, хоналар иситилмаган. Шу тумандаги Раймсўфи қишлоғидаги мактаб қозонхонаси автоматы носозлиги боис болалар қиш совуғида йиллаб дийдираб ўтиришган. Уни созлаш учун атиги бир неча соат кифоя қилди. Ёки бўлмаса, шу қишлоқда 27 минг аҳоли истиқомат қилади. Аммо шу пайтгача уни газлаштириш у ёқда турсин, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ҳақида ҳам биров ўйлаб кўрмаган.

Яна бир нарса. Айрим раҳбарларимизнинг ҳам, фуқароларнинг ҳам ҳуқуқий саводхонлиги паст. Шунинг учун ҳам «парламентда мана шу масалани қўйинг, қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда мана бу жиҳатларга эътибор берилсин ёки манавинақа қонунларни қабул қилиш керак» қабилидаги мурожаатлар кам бўлаётир. Ҳолбуки, жамиятни ўзгартириш, шахсни камолга етказишда, энг аввало, ана шу жиҳатларга эътибор бериш лозим. Чунки биз ҳуқуқий демократик жамият қураяпмиз. Бундай жамиятда фақат қонун устувор бўлади. Бинобарин, қонунларни яратишда, сайловчилар ҳам ўз депутатлари орқали иштирок этмоқлари даркор.

Ҳозир юқоридан кўрсатма кутиб, қўл қовуштириб ўтирадиган давр эмас. Ижодий ишлайдиган замон. Афсуски, айрим раҳбарларимиз шунга тайёр эмас. Шунинг учун ҳам муаммолар йиғилиб қолмоқда.

Яқинда Олий Мажлиснинг ишчи гуруҳи билан атроф-муҳитни ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг аъзоси сифатида Қашқадарё вилоятида «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси бўйича масалани ўрганишга тўғри келди. Ҳатто, айрим туман, хўжаликлар раҳбарлари ўз ҳудудларидан қум, тош қазиб олиб кетилаётганлиги билан мутлақо қизиқишмаган. Бунинг экологияга таъсири ҳақида ўйлаб ҳам кўришмаган.

**— Сиз раҳбарсиз. Айни чоғда Олий Мажлис депутатисиз. Бинобарин, сўз билан ишнинг бир бўлишига эришиш учун қандай сифатларга эга бўлиш керак, деб ҳисоблайсиз?**

— Одамда лафз, субут бўлиши керак. Раҳбарми ёки оддий меҳнаткашми, бунинг аҳамияти йўқ. Айтилган сўз — отилган ўқ. Аввало, ҳар бир нарсани ўйлаб, имкониятни чамалаб, ваъда бериш лозим. Ва уни бажаришга одатланиш даркор. Имконсиз нарсанинг ўзи йўқ. Имкон ахтарган топади. Аммо ана шу имкониятларни топиш учун қобилият, билим, тажриба, малака зарур. Бусиз бошни минг марта деворга урган билан фойдаси йўқ.

Айтмоқчиманки, Олий Мажлис сессияси тарихий бир даврга тўғри келди. Олий Мажлиснинг Мурожаати ҳам тарихий аҳамиятга эга. Президентимиз ўз нутқида янги мингйилликка қадам қўйишдек тарихий ҳодисанинг моҳиятини очиб берди. Биз ана шуни англашимиз, унинг томирига етишимиз зарур. Озодлик ва Мустақилликнинг моҳиятини англамоқ, тушунмоқ ва унга муносиб бўлишга интилмоқ — олий бахтдир.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Нарзулла РАВШАНОВ**
**суҳбатлашди.**

• Яхши ният

## XXI аср — Ўзбекистонники!

***Ажиб ҳаяжон, зўр интиқлик билан кутганимиз янги аср, янги мингйилликка ҳам қадам қўйдик. Соат занглари бонг урар экан, бутун вужудимни қандайдир энтикиш чулғади. Беихтиёр ўйладим: нақадар бахтлимиз. Ахир бизнинг авлодга икки асрни, қўш мингйилликни кўриш насиб этди. Шукрона айтамиз бунга. Унисини ҳам қўя туринг, Ватан мустақиллиги эълон қилинган орзуманд дамларнинг бевосита гувоҳи бўлдик. Мамлакатимиз беғубор гўдак янглиғ тетапоя қадам ташлашининг, дўсту душманлар орасида жуда тез оёққа туришининг, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига, мавқеига эга бўлиш жараёнининг иштирокчисимиз. Озми-кўпми ҳиссамиз бор. Шунинг ўзи оламга татигулик бахт эмасми?***

***Хўш, айни дамларда юртдошларимизнинг хаёлларидан нелар кечаяпти? Улар XXI асрни қандай қарши олишди?***

**Роҳатой АННАЗАРОВА,**
**Яккасарой туманидаги 26-мактаб директори:**

— Янги мингйиллик кираётган пайтда қоронғу тунни ёритган мушакларни кўриб, бобомиз Берунийнинг ақл машъали Американи ёритганини, Улуғбекнинг шуури самодаги юлдузларни забт этганини эсладим. Ва яна амин бўлдим: дунё тан олган Миллий дастур, янгича тафаккур ва дунёқараш, энг замонавий шароитларда таълим оладиган XXI аср ўзбек ёшлари ўз билими, шижоати, ихтирою кашфиётлари билан оламни қайтадан лол қилгай! Поёнига етган юз йиллик эса, Юртбошимиз янги йил табригида таъкидлаганидек, мустақиллик асри бўлиб қолажак.

**Мақсуд МАҲМУДОВ, муҳандис, Янгийўл тумани:**

— Ҳар бир ишнинг якуни қандай бўлишини унинг бошланишига қараб башорат қилиш ота-боболаримиздан қолган одат. Қаранг, муқаддас Рамазон ойида яна бир бор покланиб, табаррук Рўза Ҳайитини нишонлаб янги асрга қадам қўйдик. Демак, йўлимиз чароғон бўлади. Президентимиз қайта-қайта уқтираётганларидек, пок бўлсак, оқибатли бўлсак, бир мушт бўлиб бирлашсак бизни ҳеч ким енга олмайди.

**Марям МАТНИЁЗОВА, «Боғолон» қишлоғи хотин-қизлар қўмитаси раиси, Янгибозор тумани:**

— Бахтли тасодифми ёки тақдир тақозоси, буни билмадим, бироқ янги мингйилликнинг биринчи куни айнан душанбадан бошланганида қандайдир илиқлик туйдим. Чунки биз янги иш ҳафтасига алоҳида тайёргарлик кўрамиз. Оналар ва болалар йили ҳам айнан мана шу душанбадан бошланди. Она — ҳаётнинг гули, бола унинг булбули. Менимча, бу таърифга изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак.

**Умрбек СУЛТОНОВ,**
**Низомий номидаги ТДПУ талабаси:**

— Ўзбекистон учун янги аср 10 йил олдин бошланган эди, деган фикр илгари сурилмоқда. Бунга қўшилмасдан иложингиз йўқ. Энди бир гап айтаман, ўзига хос башоратга йўйсангиз ҳам майли. Биз XXII асрга ҳам биринчилар қаторида қадам қўямиз. Тараққиёт жиҳатидан демоқчиман. Теран мушоҳадали, жаҳоннинг мана-ман деган таълим даргоҳларида фақат аълога ўқиётган тенгдошларим шунга замин ҳозирлайди деб ўйлайман.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Озод РАЖАБОВ тайёрлади.**

## ПОЙТАХТДА БИЗНЕС МАРКАЗИ

Янги асрнинг биринчи кунлариданоқ пойтахтимизнинг қоқ марказида яна бир ажойиб "Бизнес марказ" фаолият кўрсата бошлади. Шаҳарнинг кўркига кўрк қўшувчи мазкур савдо ва хизмат кўрсатиш иншооти "Тошкентвилоятсавдо" акциядорлик компанияси томонидан бунёд этилган бўлиб, унинг биринчи қаватида қарийб 500 квадрат метр савдо майдонига эга бўлган супермаркет дўкони, иккинчи қаватида вилоят корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси, шинамгина қаҳвахона ўрин олган. Худди шу ерда вилоят муниципал биржаси ҳам иш бошлади. У кўчмас мулк ва товар-хомашё савдоси билан шуғулланади.

— Савдо маданиятини юксалтириш, аҳолининг ўсиб бораётган талабини тўлароқ қондириш доимий диққат марказимизда турибди, — дейди компания бошқаруви раиси Ғайрат Турсунов. — Бу вазифани уддалаш учун нафақат харидорлар, балки савдо корхоналарига ҳам зарур шароитлар яратиб бериш, хизмат кўрсатишнинг замонавий шаклларини кенг жорий этиш зарур. "Бизнес марказ" айнан ана шундай мақсадларни рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Бизнес маркази ўзининг замонавий кўриниши ва дизайни билан кўпчиликнинг эътиборини тортади. Айниқса, супермаркет дўконининг Германиядаги йирик фирма билан биргаликда энг замонавий савдо ускунлари билан жиҳозлангани, хизмат кўрсатиш Европа андозалари даражасида йўлга қўйилгани харидорларни мамнун қилмоқда. Эътиборли томони шундаки, вилоятда бундай савдо масканлари кўпайиб бормоқда. Куни кеча Олмалиқ ва Оҳангарон шаҳарларида ҳам ана шундай замонавий савдо дўконлари ишга туширилди.

Компания тизимида бугунги кунда 120 дан ортиқ чакана савдо, 204 та умумий овқатланиш корхонаси мавжуд. Таъкидлаш керакки, улар ўз фаолиятини вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган махсус комплекс дастур асосида олиб бормоқда. Мазкур дастурда аҳолининг озиқ-овқат ва саноат молларига бўлган талабини тўла қондириш, хизмат кўрсатишнинг илғор, замонавий усулларини кенг жорий этиш кўзда тутилган. Шунга мувофиқ, 2000 йил давомида умумий майдони қарийиб минг квадрат метр бўлган саккизта савдо дўкони, 110 ўринли иккита умумий овқатланиш корхонаси фойдаланишга топширилди. Аҳолининг кундалик эҳтиёж моллари бўйича талабини тўлароқ қондириш мақсадида давлат ажратмаларидан ташқари 5126 миллион сўмлик товар келтириб сотилди. Кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва савдо корхоналарига етказиб бериш ҳажми ҳам борган сари ортмоқда.

— Шу пайтгача фақат озиқ-овқат дўконлари тармоғини ривожлантиришга эътибор қаратиб келганимизни яширмайман. Ўтиш даври шароитида буни табиий ҳол деса ҳам бўлади, — дейди сўзида давом этиб Ғ.Турсунов. — Эндиликда биз шаҳарларимизда аҳоли учун зарур бўлган саноат ва хўжалик, айниқса, болалар учун мўлжалланган товарлар савдосини ҳам кенг йўлга қўймоқчимиз. Мева-сабзавот дўконлари фаолиятини жонлантириш, янгиларини очиш тадбирлари галдаги вазифаларимиздан.

Бугунги кунда савдо, умумий овқатланиш корхоналари ва шохобчалари тармоғи, айниқса, хусусий секторда, жуда тез кенгайиб бормоқда. Соҳада рақобат муҳити ҳукмрон. Дўконлардан истаган нарсани топиш мумкин. Аммо хизмат кўрсатиш савиясини кўнгилдагидек деб бўлмайди. Бу, энг аввало, савдо ходимларининг билим ва тажрибаси, касб малакасига бориб тақалади. Афсуски, бу борадаги аҳволни ҳали ўнглаб ололганимиз йўқ. Айниқса, хусусий секторда ишлаётганларнинг аксарияти савдо соҳасидан анча йироқ. Савдо маданиятини юксалтириш учун, биринчи навбатда, ёшларни шу соҳага ўқитиш, касб ўргатиш зарур. Яқинда Олмалиқ шаҳрида "Энг яхши сотувчи", "Энг яхши қандолатчи", "Энг яхши ошпаз" кўрик-танловларини ўтказдик. Ғолибларни рағбатлантирдик. Бундай тадбирлар соҳа ходимларига ўзаро тажриба алмашиш, касб маҳоратини ошириш, айниқса, ёш кадрларни тарбиялаш имконини беради. Шуни эътиборга олиб, бундай тадбирларни ҳар йили ўтказиб боришни режалаштириб қўйдик.

**(ЎзА).**

● Сўраган эдингиз

*Сўнгги пайтларда ҳукуматимиз ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бермоқда. Ана шундай тоифадаги ёрдамга муҳтож кишиларга қандай енгилликлар берилган? Иложи бўлса, ана шу ҳақда батафсилроқ маълумот берсаларингиз.*

**Татьяна АНИСТРАТОВА,**
**Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани.**

# Ҳимояга муҳтож табақа давлат ғамхўрлигида

**Жамоатчи мухбиримиз ана шу хусусида сўзлаб беришни сўраб республика Ижтимоий таъминот вазирлигининг Ижтимоий ёрдамни ташкиллаштириш бош бошқармаси бошлиғи Алишер ИНОҚОВга мурожаат этди.**

— Ўтиш даврининг ўзига хос мураккабликлари бор, деб суҳбатни бошлади А. Иноқов. — Айниқса, нархларнинг эркинлаштирилиши, кенг кўламда олиб борилаётган хусусийлаштириш жараёни, ишсизлик ҳамда пулнинг қадрсизланиши аҳолининг барча қатламларини четлаб ўтмасдан қолмаяпти. Бундай шароитда, айниқса, кам таъминланган аҳоли табақаларини ижтимоий ҳимоя қилиш ниҳоятда муҳимдир. Мамлакатимизда ижтимоий муҳофаза тадбирларининг изчиллик билан амалга оширилишини таъминламоқда. Вазирлар Маҳкамасининг бу борада алоҳида дастури ишлаб чиқилган бўлиб, у мамлакатимиз Президентининг 1991 йил 27 майдаги «Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш тўғрисида»ги Фармонининг мантиқий давоми ҳисобланади. Фармонда фарзандлари, жумладан, боқиб олган фарзандлари, ота-онаси, эри (хотини), қаровчиси, бир сўз билан айтганда, ҳеч кими йўқ ёлғиз пенсионерлар кўзда тутилган бўлса, ҳукуматнинг 1999 йил 7 декабрдаги «2000-2005 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорида эса қариндошлари доимий равишда моддий ёрдам кўрсатиш имкони бўлмаган, фарзандлари ёхуд ота-онаси, эри (хотини) узоқ муддатга мажбурий даволанаётган ёки озодликдан маҳрум қилинган ёлғиз кишилар кўзда тутилган. Агар кекса пенсионер ва ногирон эр-хотин бирга истиқомат қилса-ю қариндоши бўлмаса ёки пенсионер ногирон бола билан яшаса, ҳар иккиси ҳам ҳукумат қарорига асосан ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқаро сифатида рўйхатга олинади. Рўйхатга олиш ишлари жойлардаги ижтимоий таъминот бўлимлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилади. Дастурда белгиланган барча тадбирлар давлат бюджети, корхона ва ташкилотлар, хайрия жамғармалари, нодавлат ташкилотлар, ҳомийлар маблағлари ҳамда республикага четдан келтирилаётган инсонпарварлик ёрдамлари ҳисобидан амалга оширилади.

**— Ёлғиз қария, пенсионер ва ногиронларни рўйхатга олиш тартиби қандай?**

— Уларни рўйхатга олиш ва қўшимча ижтимоий ёрдам кўрсатиш қуйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

— ёлғиз кекса, пенсионер ва ногироннинг аризаси ёки фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол)нинг тавсияси;

— ёлғиз кишининг яшаш шароити ва моддий ҳолати ўрганганлиги тўғрисида далолатнома;

— ёлғиз фуқаронинг уйда ижтимоий хизмат ҳамда ўзгалар парваришига муҳтожлиги ҳақида ТМК ёки ТМЭК хулосаси ижтимоий таъминот бўлими томонидан расмийлаштирилади. Лекин бу тартиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 27 майдаги Фармонида белгиланган имтиёзлардан фойдаланувчи ёлғиз пенсионерларга нисбатан жорий этилмайди.

**— Шу гапингизга бир оз ойдинлик киритсангиз.**

— Биз тилга олган Фармонга мувофиқ, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кишилар 9 хилдаги озиқ-овқат тури, дори-дармонлар билан таъминлаш, коммунал хизмат ва транспорт тўловларидан озод этиш каби имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Вазирлар Маҳкамасининг 520-сонли қарорига мувофиқ эса қўшимча ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга нисбатан бундай имтиёзлар қўлланилмайди. Дастурда ушбу тоифа пенсионерларини ҳар йили диспансер кўригидан ўтиш, стационар амбулатория ҳамда уй шароитларида мақсадли даволаш, сиҳатгоҳларда соғломлаштириш, ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламалари, протез-ортопедия маҳсулотлари, ҳасса ва қўлтиқтаёқ билан таъминлаш кўзда тутилган. Бундан ташқари, дастурда оталиқ ва жамоат ташкилотлари, ҳомийлар маблағларини жалб қилган ҳолда муҳтож ёлғизларни оптик кўзойнаклар, тиш протезлари билан таъминлаш, уй-жойларини таъмирлаш каби чора-тадбирлар ҳам кўзда тутилган.

**— Ёлғизларга қандай пайтларда қўшимча ижтимоий ёрдам тўхтатилиши мумкин?**

— Оила таркиби ўзгарганда, уларнинг ўзлари қўшимча ижтимоий ёрдамни рад этганлиги ҳақида ариза билан мурожаат этганида, яшаб турган жойидан кўчиб кетганида ёки вафот этган тақдирдагина тўхтатилади.

**— Энди ана шу соҳада амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Вазирлигимизда қарорга мувофиқ «Ёлғиз кексаларга, пенсионер ва ногиронларга ижтимоий ёрдамни етказиш тартиби» ишлаб чиқилди. У ўтган йилнинг феврал ойидаёқ Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган. Унга кўра, юқори тоифага мансуб 31108 нафар киши ҳисобга олинди. Ўтган вақт ичида ёрдамга муҳтож ёлғиз кишиларга қарийб 251 миллион 500 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, 4851 нафар киши оёқ-қўл протезлари, қўлтиқтаёқ, ҳасса, ногиронлар аравачалари ва эшитиш мосламалари билан таъминланди.

Жойларда ижтимоий таъминот бўлимлари, туман (шаҳар) ҳокимликлари, «Маҳалла» жамғармаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ёлғизларнинг уй-жой шароитларини ўрганиб чиқдик. Натижада 2688 нафар ёлғиз қариялар уй-жойлари таъмирлашга муҳтож эканлиги маълум бўлди. Ҳозиргача 650 нафар ёлғизнинг уй-жойи салкам 9 миллион сўмлик маблағ билан тўла таъмирлаб берилди. Ўтган қисқа муддат ичида Меҳнат вазирлиги ҳамда Ногиронлар жамияти билан яқин ҳамкорлигимиз туфайли 117 нафар ногирон касбга ўқитилди, 190 нафар ногирон учун янги иш ўринлари яратилиб, ишга жойлаштирилди.

Жойларда ҳокимликларнинг қарорлари билан ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронлар учун турли-туман хайрия кечалари, концертлар, маданий-оммавий ва тиббий тадбирларни ўтказиш режалаштирилган. Тадбирларга Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва Маданият ишлари вазирликлари, республика Қизил ярим ой жамияти, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари ҳам жалб этилган.

Рўйхатга олинган барча ёлғиз кексалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, стационар шароитда даволанмоқда. Ҳомий ташкилотлар ва Республика ногиронлар жамияти маблағлари жалб этилган ҳолда 7756 нафар ёлғиз бемор қарияларга 128 миллион сўмлик дори-дармон етказиб берилди. Бундан ташқари даволанишга муҳтож бўлган бир қанча ёлғиз кишилар санаторий ва профилакторияларда дам олиш ҳамда даволаниш учун бепул йўлланмалар билан таъминланди.

**Суҳбатни Ш. МУРОДОВ ёзиб олди.**

● Қадриятларимиз

# Ад-Дорамийни дунё билади

Самарқандда калом илмининг пешвоси Имом Абу Мансур ал-Мотуридий ҳазратларининг 1130 йиллик тўйи кенг нишонланди. Тадбирда дунёнинг 30 га яқин мамлакат вакиллари қатнашди. Уларнинг аксарияти шу куни Имом ал-Бухорий, Хўжа Аҳрор Вали каби улуғлар ҳоки-покларини ҳам зиёрат қилишди. Хорижлик меҳмонлар Тайлоқ туманидаги яна бир зиёратгоҳ — Шайх Абдураҳмон ад-Дорамий мақбарасига ҳам ташриф буюришди.

Очиғи, бу зиёратгоҳ советлар тузуми даврида анча хароб аҳволда эди. Бу йил эса ҳаммаси ўзгарди. Истиқлол насими қутлуғ қадамжога янги ҳаёт бахшида этди. Самарқанддек кўҳна заминда яшаб ўтган, ислом оламидаги олти муҳаддиснинг, жумладан, ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий устози Шайх Абдураҳмон ад-Дорамий мақбараси тўлиқ қайта қурилди.

Қаранг, бу улуғ аждодларимизни, унинг бой меросини дунёнинг кўплаб мамлакатларида билишаркан. Фикримизнинг исботи, индонезияликларнинг Самарқандга келган чоғларида айнан шу аллома қабрларини зиёрат қилиш истагини билдиришгани.

Индонезияликларнинг бу истаги мазкур зиёратгоҳда ободонлаштириш ишларини кучайтириш, улуғ аллома мақбарасини қайта тиклашни тезлаштиришга асосий туртки бўлди, дейиш мумкин. Бу ерда қисқа вақтда амалга оширилган ишлар истиқлол туфайли миллий қадриятларимизнинг қайта қарор топаётгани, маънавиятимизнинг нақадар улуғланаётганидан дарак.

Мажмуа барпо этилаётган кунларда қишлоқ қарияларининг қадами бу ердан узилмади. Улар ҳар тонгни шу ерда қаршилашди, қурилиш ва ободонлаштириш ишларига бош-қош бўлишди.

— Тайлоқда номлари мамлакатимизда машҳур усталар, меъморлар, ҳунармандлар кўп, — дейди туман ҳокими Жамшид Ашуров. — Мақбарани ҳам айнан уларнинг ўзлари тиклашди. Муқаддас қадамжонинг янги қиёфа очишида савоб ишга ҳисса қўшганидан усталаримиз ниҳоятда мамнун.

Мақбарадаги амалга оширилган ишларга қараб ҳаяжонланасан, киши. Ҳошиялаш, кошинкорлик, равоқ ишлари шунчалик маҳорат билан нафис бажарилганки, қойил қолмай илож йўқ. Мақбара ичида ад-Дорамий қабри алоҳида мармар тош билан шарқона услубда безатилган. Мажмуа ҳовлисига эса ранго-ранг плиталар ётқизилган, салобатли дарвоза, муҳташам ҳужра мажмуага янада кўрк берган. Атрофда эса каттагина боғ-роғ.

Қишлоқ кексаларининг айтишича, бугунги боғ-роғлар ўрнида илгари учта ҳовуз бўлган. Миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз поймол этилган истибдод йилларида маҳаллий аҳоли томонидан ад-Дорамий қабри устидаги катта тош ана шу ҳовузлардан бирига ташланган. Чунки, улар шу ноёб тошдан ажралиб қолишдан қўрқишган. Энди эса ҳовузларни асл ҳолига келтириш, ушбу тошни жойига қўйиш вақти келди.

Ҳадемай, имом ад-Дорамий ас-Самарқандий ҳазратларининг таваллуд топган кунларига 1240 йил тўлади. Ана шу қутлуғ кун олдидан тайлоқликлар улуғ аллома руҳига ҳурмат-эҳтиром кўрсатишгани энг савоб ишлардан бири эканини эътироф этишимиз зарур, албатта.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Арча атрофида



Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номли Фарғона вилоят театрида болажонлар Президент арчаси теварагида ўйин-кулгу қилишди. Вилоятнинг шаҳар ва туманларидан келган иқтидорли ўқувчи ёшлар, кам таъминланган оила фарзандлари ёнида қўшни Қирғизистон республикасининг Боткен вилоятидан келган кичкинтой дўстлари ҳам бор эди. Вилоят қўғирчоқ театри жамоаси томонидан тайёрланган қизиқарли Янги йил томошалари кечага ўзгача шукуҳ бахш этди. Вилоят театри жамоаси эса болажонларга атаб "Сеҳрли қурол" спектаклини намойиш этишди.

Болалар ўзларининг севимли эртак ва мультфильмлари қаҳрамонлари билан учрашди. Тантана қатнашчиларига мамлакатимиз Президенти номидан Янги йил байрами совғалари улашилди.

**Р. КАМОЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

● Соғлом авлод учун



# Боғчанинг ўз музейи бор

Болаликни — подшолик, дейишади. Бу ҳам донишманд боболаримизнинг чуқур ҳаётий кузатишларидан чиқарилган хулосадир. Айнан шу давр инсон тарбиясида жуда муҳим ўрин тутади. Шу маънода, ёш авлодни миллий истиқлол мафкураси асосида, ҳар жиҳатдан етук инсон қилиб тарбиялашда мактабгача тарбия муассасалари, болалар боғчаларининг хизматлари катта.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 534-сонли болалар боғчасида 360 нафар кичкинтой тарбияланади. Кўп йиллик тажрибага эга тарбиячилар ҳар бир боланинг қабул қилиш даражасига қараб алоҳида иш олиб борадилар. 40 нафар бола эса махсус дастур асосида инглиз тилидан сабоқ олаяпти.

— Гуруҳимизда 4 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар тарбияланадилар, — дейди гуруҳ тарбиячиси Ризада Абдуллаевна. — Болалар бу ёшда жуда зийрак бўладилар, ҳар нарсани билишга интилишади. Уларни рағбатлантирсангиз, лозим бўлган билимни берсангиз, жуда тез ўзлаштириб оладилар. Гуруҳда болаларни ҳам мактабга тайёрлаймиз, ҳам инглиз тилидан бошланғич сабоқни берамиз.

Бундан ташқари, боғчада яна кўплаб ибрат олса арзирли ишлар амалга оширилган. Боланинг маънан комил инсон бўлиб етишиши учун, аввало, у жисмонан соғлом бўлмоғи лозим. Буни яхши тушунган боғча мудири Паризод опа Султонова болаларнинг соғлиғига катта аҳамият беради. Яқинда ишга тушган фитобар бунинг бир исботи. Юртимиз шифобахш ўт-ўланларга, витаминли нози-неъматларга бой ўлка. Улардан тайёрланган дамламалар болаларнинг соғлом ўсишлари учун кони фойда. Бундай дамламалар организмнинг касалликларга қаршилигини орттиради. Бироқ, уларнинг қайси бирини қандай тайёрлаш керак? Ҳамма оналар ҳам бунинг уддасидан чиқавермайди. Боғчада эса болалар учун 3 маҳал ана шундай шифобахш дамламалар тайёрланади. Ибратли ишлардан яна бири, Соғлом авлод йили муносабати билан ташкил этилган «Соғлом боғ» ҳамда жонли бурчак.

— Тарбияланувчиларимизнинг аксарияти, кўп қаватли уйларда яшашади, — деди боғча мудири Паризод Султонова. — «Дом» шароитида улар на уй ҳайвонларини кўради, на бир ниҳол экиб парваришлайди. Яшил боғчага ниҳолларни экишда болаларнинг ўзлари иштирок этишди. Бундан мақсад, биринчидан, болаларда табиатга меҳр уйғотиш, иккиламчи, ям-яшил ўт-ўлан кўз нурини равшанлаштиради. Болаларнинг тап-тақир асфальтда ўйнагани қаёқда-ю, юмшоқ ўтзорда ўйнагани қаёқда.



Боғчада ташкил қилинган музей халқимизнинг бой миллий анъаналаридан, қадриятларидан ҳикоя қилади.

Хулоса шуки, боғчада ташаббус бор. Янгиликка интилиш бор. Ва бунинг натижаси бор. Т.Маҳкамова, Ш.Раҳимова, И.Алимова каби малакали тарбиячилар хоналарни янги услуб бўйича жиҳозлаб ихлос билан ишлаяптилар. Бироқ, бу ҳамма иш битди, дегани эмас.

— Томимиздан чакка ўтаяпти, — дейди мудира опа. — Хоналаримиз ҳам таъмирталаб. Ҳадеб ота-оналарга «солиқ» солаверишга уяламиз. Уларга ҳам қийин.

Боғчалар — ҳаммамизники, унинг муаммолари ҳам бизники бўлиши керак эмасми?

**Дилбар ТУРҒУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

# Янги асрнинг янги ўқув масканлари

Тошкент вилоятида бир йўла иккита касб-ҳунар коллежи қуриб фойдаланишга топширилди. Ангрен шаҳридаги 900 ўринли янги коллеж маиший хизмат кўрсатиш соҳасига 16 йўналиш бўйича мутахассис-кадрлар етказиб беради. Талабаларнинг чуқур билим олиши ва ҳунар эгаллаши учун бош пудратчи — "Ўзбекшахтострой" тресети қурувчилари томонидан барча шароитлар яратиб берилган. Ўқув хоналари замонавий жиҳозланган. Коллеж қошидаги 200 ўринли ётоқхона, ошхона, спорт зали, устахона талабалар ихтиёрида бўлади.

Зангиота туманида таъмирлаб ишга туширилган 750 ўринли касб-ҳунар коллежи эса вилоят қишлоқ хўжалиги соҳасига замонавий кадрлар етказиб беришга ихтисослашган.

**(ЎзА)**

# Самарқанд кўчаларида янги автобуслар

Самарқанддаги "Сам-Кочавто" қўшма корхонасининг маҳсулотига харидорлар ортиб бормоқда. Янги аср арафасида мазкур заводдан чиқаётган замонавий микроавтобуслардан яна қирқтаси шаҳардаги тўртта йўналиш бўйича ҳаракатлана бошлади. Ушбу автобусларни Самарқанд шаҳридаги "Технософт" фирмаси банк кредити ҳисобига сотиб олди. Фирма ишбилармонларининг айтишларича, бу автобуслар аҳоли учун кенг қулайликлар яратиш билан бирга корхонага ҳам яхшигина даромад келтиради.

**У. РЎЗИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ»
ҚЎШМА КОРХОНАСИ
ДУ-20 мм, ДУ-25 мм, ДУ-32 мм, ДУ-50 мм,
ф 76х3,5 мм диаметрли трубалар
ишлаб чиқаради ва савдо қилади.
ЭНГ АРЗОН НАРХЛАР
ФАҚАТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАДИР.
Мулоқот учун телефонлар:
41-31-72, 41-29-94, 41-25-72, 41-22-61, 144-38-18.
3616

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ
вилоятнинг барча туманларида қуриладиган қишлоқ врачлик пунктлари бўйича
ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Пудрат ташкилотларини мулкчилик шаклидан қатъий назар қуйидаги иншоотлар бўйича танлов савдосида қатнашишга таклиф қилади:
ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТЛАРИ.
1. Ангор тумани, Таллимарон ж/х
2. Олтинсой тумани, Хўжаипок ж/х
3. Қизириқ тумани, Истара ж/х
4. Бандихон тумани, Дўстлик ж/х
5. Шеробод тумани, Кўҳитанг ж/х
6. Денов тумани, Хазарбоғ ж/х
7. Музработ тумани, Навбаҳор ж/х
8. Музработ тумани, Қўнғирот ж/х
9. Қизириқ тумани, Кунчиқиш ж/х
10. Жарқўрғон тумани, Ҳалқобод ж/х
11. Жарқўрғон тумани, Шарқ-Юлдузи ж/х
12. Сариосиё тумани, Ўзбекистон ж/х
13. Сариосиё тумани, Суфиён ж/х
14. Бойсун тумани, Мачай ж/х
15. Узун тумани, Пирназаров ж/х
16. Шўрчи тумани Оққўрғон ж/х
17. Қумқўрғон тумани, Оққапчиғай ж/х
18. Бандихон тумани, Ойбек ж/х
19. Термиз тумани, Намуна ж/х
қурилиш давлат инвестиция ресурслари ҳисобидан олиб борилади.
Пудратчи ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари шарт:
касбий ва техник малака кўрсатгичлари, молия маблағи билан таъминланган бўлиши ва қулай шароитларга эга бўлиши керак.
Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиши учун ариза билан савдо ташкилотчисига мурожаат қилишингиз мумкин.
Савдо ташкилотчиси — Республика Тендер бошқармаси Сурхондарё вилоят филиали,
Термиз шаҳри, Малик Қаҳҳор кўчаси, 14-уйда жойлашган. Бир комплект тендер ҳужжатларининг нархи — 15000 сўм.
Офертаорни савдо ташкилотчиси «21» январ 2001 йилгача қабул қилади.
Офертани очиш «25» январ 2001 йилда белгиланган.
3676

